

Яқинда Ўзбекистон кулги ва хажв журналининг бир сониди шундай бир суратни кўрдим. Унда ўқитувчи ўқувчиларидан сўрамоқда: «Тарихий шахслардан кимларни биласиз?» Ўқувчилар жавоб кайтаришмоқда: «Жанг Бого, Жумонг, Тангем, Император аёл». Кимлар учундир бу кулгили бўлиши мумкин, аммо мен изтиробга тушдим. Негаки мен ўқитувчиман, тарих фанидан дарс бераман. Лекин Ўзбекистон телевидениеси, «Ёшлар» ва вилоят телеканалларида бериладиган сериалларнинг аксарият қисми Корея ва Туркия киноижодкорлари фильмлари бўлганидан кейин болаларда нима айб? Ўзимизнинг сериалларимиз «ўлдим-куйдим»лардан нарига ўтмаса... Газеталарни варакласангиз, «кино юлдузлар» хақидаги олди-кочдилар саҳифаларга сигмайди. Яратилаётган кино асарлар сон-саноксиз. Бирок таҳлил қилсангиз, кишига ахлокий-рухий озука берадиган, маънавий камолотимизга ҳисса қўшадиган фильмлар йўқ ҳисобида. Айниқса, тарих соҳасида. Нима, бизнинг ўша Корея, Туркия фильмларида тарғиб этилаётган кахрамонлар қаби тарихий шахсларимиз камми? Бор, бор бўлганда ҳам улар бир олам! Хар бирининг ибратли, кахрамонликларга тўлик ҳаёти ўнлаб сериаллар қилинишига арзийдиган Широк, Тўмарис, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Темурмалик, Жалолиддин Мангуберди, Махмуд Торобий, Амирзода Абдумалик тўра, Намоз Пиримкул ўгли қаби кўплаб кахрамонларимиз бор. Лекин бу учун режиссёрларимиз маиший, бакирик-суронли фильмлар, олди-кочди мавзулардан чекиниб, тарихий мавзуларга қўл уришлари керак. Ўтмишда яшаган алломаларимиз, кахрамонларимиз тўғрисидагина эмас, Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун ўзларининг бор билимлари, куч-қудратини сарфлаётган ватандошларимизнинг ҳаётини тарғиб қиладиган сериаллар янада кўпроқ яратилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бунинг учун эса изланиш ва яна изланиш керак. Қаерда бўшлиқ бўлса, у ерни нимадир тўлдиради, эгаллаб олади. Пировардида ёшларимиз онги шуурини чет элнинг турли саёз фильмлари, клиплари, тушунарсиз «мусика»лари эгаллаб олар экан, кейин уларни тўғри йўлга солиш, қайта тарбиялаш учун вақт, куч, имконият топилармикан? Шу ўринда мен айрим режиссёрларимизнинг билими, савияси саёзлигига эътиборингизни қаратмоқчиман. Ўзбекистон телевидениесида бир фильмдан парча кўрсатилди. Кўрсатув ёш оила тўғрисида бўлиб, фарзандли бўлган йигит бешиқ сотиб олади. Турмуш ўртоғи бундан хурсанд. Оила бошлиғи бўлган йигитнинг сўзларини айнан келтираман: «Чакалокни келтиринг! Унга нима деб исм қўямиз?»... Энди айтингчи, оила бошлиғи бўлган қайси ўзбек йигити хотинига шундай деб мурожаат қилади? Нари борса, «ўғлимни (қизимни) келтиринг» демайдимми? Колаверса, эсимизни танибмизки, тугруқхонадан болага тугилганлик тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштирилмасдан туриб жавоб берилмайди. Бинобарин, чакалокка тугруқхонадалигидаёқ исм қўйилади. Гапираверсак, гап қўп...

А. МАМАТКУЛОВ, Самарканд вилояти